

Лут алайҳиссаломнинг дуолари



14:00 / 12.03.2019 4471

«Албатта, Лут ҳам юборилган Пайғамбарлардандир» (Соффат, 133-сура)

Қуръонда ҳукм ва илм берилган пайғамбар деб таъриф этилган Лут алайҳиссалом Нух алайҳиссалом каби қавмини узоқ йиллар ҳақ динга даъват қилганлар. У зот қавмидаги эркаклар нотўғри жинсий алоқа – эркак билан эркак жинсий яқинлик қиларди. Лут алайҳиссаломнинг асосий вазифларидан бир уларни бу қабих ишдан қайтариш эди. Аммо туғёнга кетган қавм Лут алайҳиссаломнинг ўғитларини тингламай, қилаётган гуноҳлари учун келадиган азоблардан ҳам қўрқмай қўйганди.

«Ва Лутни (юбордик). Унинг ўз қавмига: «Сиздан олдин оламларда ҳеч Ким қилмаган фоҳиша ишни қиласизларми?! Албатта, сизлар аёлларни қўйиб, эркакларга шаҳват ила яқинлик қилмоқдасизлар.

Йўқ! Сизлар исрофчи қавмсиз!» деганини эсла. Қавмнинг жавоби: «Уларни қишлоғингиздан чиқариб юборинг, улар жуда ҳам покиза бўлаверадиган одамлар экан», дейишларидан бошқа нарса бўлмади» (Аъроф, 80-82-оятлар).

Лут алайҳиссаломнинг барча уринишлари зое кетаётган эди. Бузғунчи қавм ўз Пайғамбарига: «Эй Лут, агар гапинг рост бўлса, Аллоҳнинг азобини келтир», дейишади. Улардан умидини узган Лут алайҳиссалом Аллоҳга шундай дуо қиладилар.

«У «Эй Роббим, менга бузғунчи қавмларга қарши Ўзинг нусрат бер», деди» (Анкабут, 30).

Аллоҳ Лут алайҳиссаломнинг дуосини қабул қилади. У зотнинг уйига келишган, чиройли йигитлар қиёфасидаги учта фариштани юборади. Қавмининг бузуғлигини билган Лут алайҳиссалом меҳмонларнинг ташрифидан хавотирга туша бошлайдилар. Лекин улар жуда хотиржам, сокин ҳолда ўтиришар эди. Меҳмонлар келганини Лут алайҳиссалом ва унинг хотинидан бошқа ҳеч ким кўрмаганди. Хотини бу хабарни қавм эркакларига етказди. Тун чўккан бўлишига қарамай улар Лут алайҳиссалом уйларига етиб келишади. У зот уларнинг йўлини тўсиб меҳмонлар олдида шарманда қилмасликларини сўрайдилар. Табиийки, улар бунга қулоқ тутмадилар. Ниҳоятда оғир вазиятда қолган Лут алайҳиссаломга ҳалиги меҳмонлар:

«...Сен хавфсирама ва маҳзун ҳам бўлма, албатта, биз сени ва аҳлингни қутқаргувчилармиз. Магар, хотининг ҳалок бўлгувчилардан бўлгандир. Албатта, биз ушбу шаҳар аҳолиси бошига фосиқлик қилганлари туфайли осмондан азоб туширгувчимиз, дедилар» (Анкабут, 34-оят).

Шу вақт эшик парчаланиб уй ичига қаттиқ шамол киради. Жаброил алайҳиссалом қўллари билан ишора қилганларидан сўнг қавмнинг кўзлари кўр бўлиб қолади. Улар бир-бирларини уриб йиқитиб қоча бошлайдилар. Фаришталар Лут алайҳиссаломга кечаси ўз аҳли билан бу ердан чиқиб кетишни, шиддатли овоз келса ҳам орқага қарамасликни буюрадилар. Орқага қараганлар азобга дучор бўлишини таъкидлайдилар. Эрта саҳарда Жаброил алайҳиссалом қанотлари билан Лут алайҳиссалом қавми яшаётган барча шаҳарни осмонга кўтариб, тўнтариб ташлайди. Роббиси ва Пайғамбарига қарши чиққан қавм ҳалок бўлди.

Бу мисолда кўрганимиздек дуо фақат одамларнинг яхшилиги, дунё ва охираат саодати учун бўлмаслиги ҳам мумкин. Аллоҳнинг ҳадларидан чиққан, мўминларга зулм қилган қавмининг ҳалокати учун бир қанча Пайғамбарлар дуо қилишган. Лут алайҳиссаломнинг дуоси ҳам бунга бир мисолдир.

(давоми бор)

«Қуръони каримга кўра дуо» китобидан